

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГЛШНИ СА^ЛАШ ВАЗИРЛИГИ
АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ
МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ИМЕНИ АБУ АЛИ ИБН СИНО

«ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИНИ МУ^ОФАЗА КИЛИШНИНГ
ДОЛЗАРЬ МУАММОЛАРИ, ЮТУКЛАРИ ВА ИСТЦБОЛЛАРИ»
Республика илмий-амалий анжумани халқаро иштирок билан
МАТЕРИАЛЛАРИ ТУПЛАМИ

СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ Республиканской научно практической
конференции с международным участием «АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ
ОХРАНЫ ЗДОРОВЬЯ МАТЕРИ И РЕБЕНКА, ДОСТИЖЕНИЯ И
ПЕРСПЕКТИВЫ»

2018 йил, 8-9 ноябрь, Бухоро

УДК 618-055.26: 616-053.3(043)

«ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИНИ МУХОФАЗА КИЛИШНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ, ЮТУКЛАРИ ВА ИСТЎБОЛЛАРИ» Республика
илмий-амалий анжумани материаллари туплами (8-9 ноябр 2018й., Бухоро ш.)

Ушбу тупламда Ўзбекистон ва чет эллик акушерлик ва гинекология,
педиатрия соҳасининг етук мутахассислари, олимлар, олий таълим
муассасалари уқитувчилари, илмий изланувчилар, докторантлар ва амалиёт
шифокорларининг оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг муаммолари ва
уларнинг ечимлари, кенг тарқалган касалликлар уларни диагностикаси ва
замонавий даволаш усуллари, ушбу соҳанинг долзарб мавзуларига оид
тезислари берилган.

Тахририят аъзолари

Нуралиев Н.А. - тиббиёт фанлар доктори, профессор

Сафоев Б.Б.- тиббиёт фанлар доктори, профессор

Наврүзова Ш.И.- тиббиёт фанлар доктори, профессор

Ихтиярова Г.А. - тиббиёт фанлар номзоди, доцент

Рахматуллаева М.М.-тиббиёт фанлар номзоди, катта уқитувчи

Мухаммедова Ш.Т.-ассистент

Адизова С.Р.- ассистент

«ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ, ЮТУКЛАРИ ВА ИСТЎБОЛЛАРИ»
Республика илмий-амалий анжумани материаллари туплами Абу Али ибн
Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Илмий кенгашида
тасдиқданган (2018 йил 31 октябр, 3-сон баённома)

УТКИР РЕСПИРАТОР ВИРУСЛИ ИНФЕКЦИЯЛАР БИЛАН БОЛАЛАРНИНГ КАСАЛЛАНИШ ХОЛАТИ.

Матназарова Г.С., Шеркузиева Г.Ф., Тошбоев Б.Ю.

Тошкент тиббиёт академияси

Илмий ишнинг мақсади аҳоли уртасидахусусан болаларда уткир респиратор вирусли инфекциялар билан касалланиш ҳолатини баҳолаш ҳисобланади. Бу гуруҳга нафас олиш йуллари патоген микроорганизмларининг турли вакиллари чакирадиган юкумли касалликлар киритилган. Бу гуруҳ касалликларининг асосий кузгатувчиси вируслар ҳисоблансада, бироқ бу касалликларни бактериялар, микоплазмалар ва бошқа микроорганизмлар ҳам чакириши мумкин. Маълумотларга кура барча инфекцион ва ноинфекцион касалликларни жамлаганда уткир респиратор касалликлар билан касалланиш курсаткичи улардан юқори эканлиги аниқланган. Турли мамлакатларда утказилган кузатишларга кура УРК билан касалланиш курсаткичи 100000 аҳолига 300000 дан юқори эканлиги аниқланган. Касалланиш даражаси ҳар бир жой ва ҳудудларда ҳар хил бўлиб, касалланишнинг куп йиллик динамикасида катта даврийлик кузатилмаган. УРКлар аниқ мавсумийликка ҳос бўлиб, касалланиш асосан октябр охири ва ноябр ойида кутарилади ва юқори даражада узок вақт сакланади. Аксимал кутарилиш январ ойининг охири, ҳатто феврал ойининг бошига тугри келади. Йил ичидинамикасининг тургунлиги ва қиска ораликлар мавжудлиги йил давомида касалланиш даражаси доимийлигидан далолат беради.

Ушбу касаллик болалар уртасида ҳам куп учрашини эътиборга олиб, эпидемиологик-статистик усул ёрдамида Яшнобод туманидаги аҳолининг айнан болаларнинг уткир респиратор вирусли инфекциялар билан касалланиш ҳолати урганилди. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда биз болаларда ушбу касалликнинг 2016 йилдаги касалланиш ҳолатини таҳлил қилдик ва қуйидаги натижаларни олдик: йил буйи умумий аҳолининг касалланиш ҳолати 22653 та (100%), шулардан катталарда 6600 та (29,2%), болаларда эса 16053 та (70,8%) қайд этилган. Касалланиш ҳолатининг йил ойлари буйича таҳлил қиладиган бўлсак, энг куп ҳолатлар қуйидаги ойларида: февралда умумий 2479 та (100%), катталарда 688 та (27,7%), болаларда эса 1791 та (72,3%), мартда 2597 та (100%), шулардан катталарда 756 та (29,1%), болаларда эса 1841 та (70,9%), апрелда умумий 3298 та (100%), катталарда 947 та (28,7%), болаларда эса 2351 та (71,3%), декабрда эса 2017 та (100%), катталарда 270 та (13,4%), болаларда эса 1747 та (86,6%) қайд этилган. Юқорида олинган текшириш натижаларидан шуниси хулоса қилиш мумкин: болалар уртасида катта ёшдагиларга нисбатан уткир респиратор вирусли инфекциялар билан касалланиш ҳолати куп кузатилди. Айниқса ушбу касалланиш ҳолатини йил ойларига нисбатан таҳлил қиладиган бўлсак, киш ва баҳор ойларида куп қайд этилган. Болалар уртасида ушбу касалликнинг олдини олиш ва қамайтириш учун қуйидаги чора-тадбирларини тавсия этилади: яъни ташкиллашган болалар муассасаларида санитар-гигиеник

холатини яхшилаш хусусан хоналарнинг тез-тез шамоллатиб туриит,
тозаликка риоя килиш ва назоратни кучайтириш талаб этилади.